МЧЖ «HIMOYA-FAIR»
аудиторлик ташкилоти

«Farg'onaazot» акциядорлик жамиятининг 2022 йил молиявий фаолияти бўйича тузилган ҳисоботларини аудиторлик текшируви натижалари буйича тузилган

АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ.

Фарғона 2023 йил.

Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасига асосан аудиторлик ҳисобот махфий ҳисобланади ва ошкор килиш мумкин эмас, ушбу ахборотдан фойдаланган шахслар ахборотни ошкор килганликлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

«Farg'onaazot» акциядорлик жамиятиннинг бошқарув раисига.

«Farg'onaazot» акциядорлик жамиятининг 2022 йил якуний молиявий ҳисоботларини текшириш бўйича тузилган

АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ.

Фарғона шаҳри 28 февраль 2023 йил

I. Кириш қисми

- Хужжатнинг номи	«Farg'onaazot» АЖни 31 декабр 2022 йил ҳолатига тузилган молиявий ҳисоботлар аудити
-Аудиторлик ташкилоти номи ва унинг юридик манзилгохи	МЧЖ "HIMOYA-FAIR" аудиторлик ташкилоти, Фарғона шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси 70\18-уй,Тел.(73) 224-55-58,(93) 980-55-75.
-Давлат руйхатидан ўтказилганлиги рақам ва сана	Давлат хизматлари маркази томонидан 30.06.2021 йилда 1009498-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
-Лицезия тўғрисида маълумот	Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун 11.08.2021 йилда 75-сонли рақам билан реестрга киритилган.
-Аудиторлик текширувини ўтказиш учун асос буладиган хужжат	2023 йил 20 февраль куни тузилган 1076383-сонли шартнома. (лот рақами 231210081299619)
-Аудиторлик текширувини ўтказиш санаси	Бошланган вакти 20 февраль 2023 йил Тугатилган вакти 28 февраль 2023 йил
-Текширишда иштирок этган аудиторлар ва ёрдамчи аудитор исми, фамиляси	Аудитор: Ш.Хатамов 14.10.2021 йилдаги Аудиторлик малака сертификати № 05754 Б.Нишонов 31.07.2015 йилда берилган 000115-сонли солиқ маслаҳатчиси малака сертификати.

Текшириш ўзаро тузилган шартнома асосида, бошқарув раиси Д.Маннонов хабардорлигида ҳамда бош ҳисобчи Х.Ҳайдаров иштирокида ўтказилди.

Аудиторлик ҳисоботи хўжалик субъектининг бошқарувчисига, мулкдорларига, иштирокчиларининг умумий йиғилишига тақдим этилувчи ва бухгалтерия ҳисобидаги камчиликлар ҳамда аудиторлик текширувини олиб боришда олинган бошқа маълумотларни акс эттирувчи ва аудиторлик ҳулосасини тузишда асос бўлувчи ҳужжатдир.

Аудит текширувига тақдим қилинган, молиявий ҳисоботни тўғрилигига хўжалик субъекти раҳбарияти жавобгардир.

Аудиторлик ташкилоти эса ушбу молиявий ҳисобот бўйича бериладиган хулосасига жавобгардир.

Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, «Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари», ҳамда Аудиторнинг халқаро стандартлари (АҲС-ISA) ва «Farg'onaazot» акциядорлик жамиятининг бухгалтерияси ҳужжатларига асосланган ҳолда ўтказилди.

Жамият фаолиятини бўйича маълумот.

«Farg'onaazot» акциядорлик жамияти кейинги ўринларда «Жамият» деб номланади.Жамият Низоми Фарғона шаҳар ҳокимлигидаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси, ҳамда «Farg'onaazot» очиқ акционерлик жамиятини акциядорлар умумий йиғилишининг 2016 йил 30 июндаги қарори билан тасдиқланган.

Солиқ тўловчи сифатида Фарғона шаҳар Давлат солиқ инспекциясида рўйхатга олиниб, 200202240-сонли идентификация рақами берилган.

Жамият Фарғона шаҳар статистика бўлимида руйхатга олиниб, 20152 сон тармоқ коди билан иш фаолиятини юритиб келмоқда.

ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ.

1. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади
2. Жамиятнинг устав капитали 83 472 914 910 (Саксон уч миллиард тўрт юз етмиш икки миллион тўққиз юз ўн тўрт минг тўққиз юз ўн) сўмни ташкил қилади.

AJ "O`ZKIMYOSANOAT" улуши 49,87 %.
"O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH AGENTLIGI" улуши 49,15 %
Yuridik va jismoniy shaxslar улуши 0.98 %

Жамият томонидан чиқарилган акцияларининг умумий сони 32 993 247 дона
Шундан: Имтиёзли акциялар сони 322 764
Оддий акциялар сони 32 670 483
Акцияларнинг номинал қиймати 2530 сўм

Муомиладаги акциялар сони 32 993 247 дона
Шундан: Имтиёзли акциялар сони 322 764
Оддий акциялар сони 32 670 483

ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МАҚСАДИ.

Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир. Белгиланган мақсадларини амалга ошириш учун фаолиятининг предмети (асосий йуналишлари) қўйидагилардан иборат бўлади:

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
- ўз товар ва хизматларига нархларни, харид қилиш ва сотиш шартларини мустақил белгилаш (монопол маҳсулот реестрига киритилган ва нархларни тартибга солиш органи томонидан декларацияланиши лозим бўлган маҳсулот бундан мустасно);
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида мустақил равишда ёки воситачилар орқали улгуржи ва чакана савдони амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида товар ва мол-мулкнинг барча (моддий ва номоддий, кўчмас ва кучадиган) турларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, қуриш, қўлга киритиш, улар юзасидан битимлар тузиш, ижарага олиш ёки бошқа тарзда қўлга киритиш ва ёки юқорида кўрсатилган мол-мулкни ижарага бериш, гаровга қўйиш, ундан фойдаланиш хуқуқини бошқа шахсларга бериш ёки исталган бошқа тарзда уни тасарруф қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида исталган шахслар билан мустақил тарзда битим ва келишувларни тузиш, тижорат ва хўжалик фаолияти билан шуғулланиш ҳамда зиммасига мажбуриятлар олиш;
- Мазкур Уставнинг 3.1-бандида ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган жамиятнинг тижорат фаолияти ва унинг асосий вазифалари учун зарур ва мос бўлган импорт ва экспорт амалиётини мустақил тарзда ёки воситачилар орқали амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида ширкатлар, қўшма ва ш.к. корхоналарни тузиш бўйича битимларни тузиш ва бекор қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ шуъба ва тобе хўжалик жамиятларини, филиал ва ваколатхоналарини тузиш;
- Товар ва валюта биржаларининг ишида иштирок этиш;

- Маблағларни қарзга олиш ёки маблағ туплашни ташкил этиш, жамият мажбуриятлари бўйича ёки қарздорнинг мол-мулкига банд солиш йўли билан ҳар қандай шахсга гаров тақдим этиш;
- Жамият маблағларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида инвестиция шаклида киритиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ инвестициялар, акциялар, кредитлар ва бошка қимматли қоғозлари қўлга киритиш ва ёки бошқа шахсларга ўтказиш, алмаштириш ва улардан бошқа тарзда фойдаланиш;
- Жамият фондларини жамиятнинг ва уни исталган шуъба компаниясининг хўжалик фаолиятини кенгайтириш учун ишлатиш;
- Исталган шахсга кафолат билан ёки кафолатсиз, мувофиқ бўлган исталган шартларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ пул маблағларини қарзга ёки аванс (бўнак) сифатида бериш ёки бошқа тарзда қарз бериш;
- Компаниянинг хар қандай мулкини, жамиятнинг ёки исталган бошқа шахснинг контрактлари ёки мажбуриятлари бажарилишини мажбуриятлар билан ёхуд қарздорнинг мол-мулкига банд солиш хуқуқи билан кафолатлаш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жамиятнинг исталган акциялари ва ёки бошқа қимматли қоғозларини чиқариш ёки уларни исталган шахсга сотиш ҳамда шундай чиқариш ёки сотиш юзасидан хар қандай битимга кириш;
- ишончномалар бериш;
- Ўзбекистон Республикасида ҳудудида ва ундан ташқарида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳар қандай савдо маркалари, номлари, хизмат кўрсатиш белгилари, дизайнлар, патентлар, ихтиролар, ноу-хаулар ва интеллектуал мулкнинг бошқа шаклларини руйхатдан ўтказиш учун ариза бериш ва руйхатдан ўтказиш, уларни сотиб олиш ёки ўзга усулда қўлга киритиш, сотиш, лицензиялаш, ўзга шахсларга бериш ёки улар билан савдо қилиш;
- ҳар қандай шахсни ёллаш, жамиятнинг хар қандай мансабдор шахсига ёки ходимига ёки собиқ мансабдор шахси ёки ходимига ёхуд уларнинг қариндош- уруғлари ёки боқимандаларига иш ҳаки, пенсия ва бошқа нафақаларни тўлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ пенсиялар, нафақалар, мукофотлар ва рағбатлантиришларни тўлаш бўйича режаларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ йуқотишлар, таваккалчиликлар ва масъулиятнинг бошқа турларидан суғуртани амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикасида ҳудудида ва ундан ташқарида кўргазмалар ва кимошди савдоларини ташкил этиш ва уларда иштирок этиш ва шу каби фаолият билан шуғулланиш;

- башарти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони талабларига зид бўлмаса, хайрия ва хомийлик бадалларини ажратиш ҳамда соғлиқни сақлашга, маданиятга ва илм-фанга маблаглар ажратиш;
- Ўзбекистон Республикасида худудида ва ундан ташқарида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ мустақил тартибда ёки бошқа шахслар билан ҳамкорликда ёки улар орқали ёхуд агент, иккиламчи пудратчи, шуъба корхонаси ёки ваколатхона воситачилигида ёки ўзга усулда раҳбар, агент, пудратчи ёки бошка сифатда фаолият юритиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жамият карамоғида тиббий муассасаларни таъминлаш йўли билан тиббий ёрдам кўрсатиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ реклама компанияларини ташкил этиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ оммавий ахборот воситаларини чоп этишни ташкил этиш;
- савдо ва савдо-воситачилик, жумладан экспортга йуналтирилган фаолиятни амалга ошириш; Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ хам маҳаллий, хам хорижий таянч валютада товар (хизмат)ларни харид килиш сотиш.

2.2 Жамият асосий мақсадига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қуйидаги турларини амалга оширади:

- минерал ўғитлар, дефолиантлар, ацетат ҳамда полиамид толалар, органик ва ноорганик кимё маҳсулотлари ва уларни ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган ярим ва тайёр маҳсулотлар, ҳалк истеъмоли моллари ва бошка маҳсулотларни ишлаб чиқаради;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб-чиқариш ва сотиш, шу жумладан давлат эҳтиёжлари учун;
- чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик ва паррандачилик, шунингдек, наслдор чорва ҳамда паррандаларни кўпайтириш ва уларни сотиш, ўз эҳтиёжи учун фойдаланиш;
- темир йўл транспорти орқали юкларни ташиш, мавжуд бўлган автомобил, транспорт воситалари билан юк, йўловчиларни ташиш ва хизмат кўрсатиш;
- жамият ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта таъминлаш мақсадида турли шаклдаги ҳалқаро ҳамкорликларда қатнашади ва жамият экспорт базасини ривожлантиради;

- савдо–харид ва савдо-воситачилик фаолиятини юритади, воситачилик хизматларини кўрсатади;
- улгуржи ва чакана савдо;
- маҳаллий телефон алоқаси, кўчма радиотелефон алоқаси тармоғи хизматларини кўрсатиш ва фойдаланиш;
- кўп тиражли газеталар чоп этиш;
- жамият ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун дам олиш масканларини ташкил этиш;
- юридик ва жисмоний шахсларга пуллик хизмат кўрсатиш;
- дори-дармонлар харид қилиш;
- халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- инновацион маҳсулотларни кашф этиш ва сотиш;
- ахборот – реклама нашриёт ишларини бажариш;
- фирма дўконларини, филиалларни ва бўлимларни ташкил этиш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, автомобил ва юк машиналари эҳтиёт қисмлари билан савдо воситачилик қилиш;
- хўжалик моллари сотиш ва воситачилик қилиш; дўконлар, умумий овқатланиш пунктларини очиш;
- ҳар қандай хўжалик фаолиятида ва ишлаб чиқаришда Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ воситачилик хизматларини кўрсатиш;
- ижара фаолияти билан шуғулланиш;
- молиявий фаолият (фоизлар кўринишида, дивиденд, чет эл валютасининг курс фарқларидан даромад олиш) билан шуғулланиш;
- йиғилиш, симпозиум, маданий-оммавий ва бошқа шу каби тадбирларни ташкил этиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;
- сиқилган табиий газни сотиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланишга ҳуқуқлидир.

Жамият қонунчиликда белгиланган бошқа фаолият турларини ўрнатилган тартибда амалга ошириши мумкин.

Жамият манзили: Фарғона вилояти Фарғона шаҳри Саноат кўчаси 222-уйда жойлашган, телефони (873) 242-59-95, (73) 222-20-02, (73) 222-65-70, (98) 575-95-07.

II. Аудиторлик хисоботининг тахлилий кисми.

Аудиторлик текшируви ўтказиш даврида Молиявий хисоботни тўлиқ ва ҳаққонийлигини аниқлашда бухгалтерия ҳисобини тўғри юритилишига қўйидаги ҳужжатлар асос қилиб олинди.

-Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби» тўғрисидаги Қонуни (янги таҳрирда).

-Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобини Миллий стандартлари

-Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси (янги таҳрирдаги).

- Аудиторнинг ҳалкаро стандартлари. (АҲС-ISA)

-Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи суъбектлар фаолиятини юритишни тартибга солиш тўғрисидаги бошка норматив ҳуқуқий актлар асосида кўриб чиқилди.

Аудиторлик текширувида жамиятнинг бухгалтерия ҳужжатларидан ва қуйидаги маълумотлар манбасидан фойдаланилди.

1. Жамиятнинг 2022 йил молиявий ҳисоботлари.
2. Бухгалтерия ҳисобини синтетик ва аналитик ҳисоботлар реестрлари.
3. Жамият томонидан 2022 йил якуни бўйича Давлат солиқ органларига тақдим қилинган молиявий ҳисоботлари, солиқ ҳисоботлари.
4. Жамиянинг йиллик баёнлари, буйруқлар, бошка ички нормативларидан ва бошқа дастлабки бухгалтерия ҳужжатлари.

Олинган молиявий маълумотлар ҳажми, қўлланилган текшириш усули аудиторлик хулосасини беришга етарли бўла олади, деб ҳисоблаймиз.

Ички назорат, ҳисоб сиёсати ва бухгалтерия ҳисоби ҳолатини текшириш натижалари бўйича.

Аудит текширув давомида жамиятнинг ички назорати аудиторнинг ҳалқаро стандартига (265-АХС)асосан кўриб чиқилди. Жамиятнинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқди.

Бухгалтерия ҳисобини гуруҳларга ажратиш ва хўжалик фаолияти фактларига баҳо бериш, активлар қийматини тўлаш, ҳужжатлар айланмасини, мол-мулкни рўйхатга олишни ташкил этиш усуллари, бухгалтерия ҳисобида ҳисоботларни қўлланиш усуллари, ҳисоб регистрлари тизими, ахборотларни ишлаб чиқиш ва ўзга тегишли усуллар, услубиятлар бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари акс эттирилади. Биз молиявий ҳисоботлар, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор қилиниши ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этади деб баҳолаймиз.

Жамиятда ички назорат тизимини қуйидаги омилларга асосан етарли даражада ишончли ва самарали деб ҳисоблаш мумкин.

а) Хўжалик операциялари барча ва алоҳида ҳолларда раҳбариятнинг розилиги билан амалга оширилаётганлиги.

б) бухгалтерия ҳисобида барча операциялар хўжалик юритувчи суъбектда қабул қилинган бухгалтерия ҳисобининг тегишли счётларида, тўғри ва ўзининг даврида акс эттирилаётганлиги ва ишончли молиявий ҳисобот тайёрлаш имконияти таъминлаётганлиги.

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 10 моддасига мувофиқ Жамиятда икки ёклама ёзув қоидасига риоя этилган. Жамиятда 2022 йил бухгалтерия ҳисоби «1С» бугалтерия юритиш дастурида юритилган.

Жамиятда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сонли буйруғига асосан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби Миллий стандарти (21-сон БҲМС) "Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома"га амал қилинмокда.

Жамиятнинг молиявий ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 24.01.2003 йилда 1209-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги «Молиявий ҳисобот шаклларини тўғри тўлдириш тўғрисида»ги 140-сонли буйругига асосан тўлдирилган.

Жамият бухгалтерияси барча керакли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан, яъни журналлар, қайдномалар, дафтарлар, тасдиқанган бланкалар билан тўлиқ таъминланган.

Жамият бухгалтерия ҳисобида ҳужжатларни тузиш, қабул қилиш, сақлаш ва акс эттириш, ҳамда ҳужжатлар айланишини амалга ошириш бўйича ўрнатилган ягона тартибга, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 14 январда 1297-сон билан рўйхатга олинган «Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги» низом талабларига амал килинган.

Бухгалтерия ҳисобида барча операциялар, хўжалик юритувчи суъбектда қабул қилинган бухгалтерия ҳисобининг тегишли счётларида, тўғри ва ўзининг даврида акс эттирилаётганлиги, ишончли молиявий ҳисобот тайёрлаш имкониятини таъминлаган.

Кузатишлар: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдикланган, 1998 йил 26 июлдаги №1-БҲМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» ва 2002 йил 9 сентябрдаги №21-БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби варақалари режаси»га

асосан Жамиятнинг "Ҳисоб сиёсати" ҳамда "Жамият бухгалтерия ҳисоби учун ҳисоб варақалари режаси" ишлаб чиқилган.

Жамиянинг молиявий ҳисоботларининг тўғри тузилишига бош ҳисобчи маъсулдир.

Кадрлар бўлими бўйича.

Жамиятда ходимлар, меҳнат ва иш вақти ҳисоби ташкиллаштирилган, ҳамда Меҳнат кодексига ва бошқа меъёрий хужжатларга асосан юритилишини,шахсий таркибни ҳисобини юргизиш учун белгиланган шакллардан фойдаланилишини, барча шахсий таркибни харакати шу жумладан, ходимларга таътил тақдим этишлиши, бошқа ишга ўтказиши, меҳнат шартномасини бекор қилиши, қўшимча тўловларни амалга оширишини, жамият рахбарининг буйруғи билан расмийлаштирилишини, Меҳнат дафтарчаларини сақлаш учун темир сандиқ мавжудлигини, жамият ишчи хизматчиларининг йиғма жилдлари, меҳнат дафтарчасидаги тегишли ёзувларни ўз вақтида амалга оширишини, барча ходимларни СИТР ҳамда ИНПС гувохномалари жилдларда мавжуд. Шунингдек, жамиятда ишлаётган ишчи-хизматчилари тўғрисидаги маълумотни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг e-mehnat.uz расмий сайтига киритилган.

Жамиятнинг асосий воситалари бўйича

Асосий воситаларнинг аудити, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик Кодекси», «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун, «Солиқ кодекси», 5-сонли «Асосий воситалар» БҲМС ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда ўтказилди.

Жамият томонидан тақдим қилинган бухгалтерия баланси маълумотлари бўйича 31.12.2022 йил ҳолатига асосий воситаларни бошланғич қиймати 2 152 852 181,00 минг сўм, жамғарилган эскириш суммаси 1 371 299 850,00 минг сўмни акс эттирилган.

сўмда.

Счётлар	01.01.2022 йил бошига колдик		Йиллик айланма		31.12.2022 йил охирига колдик	
	Дебет	КТ	Дебет	Кредит	Дебет	КТ
0120	530 489 433 248,50		161 159 953 594,36	43 338 571 939,45	648 310 814 903,41	
0130	1 290 774 918 142,65		206 741 780 740,35	76 809 747 876,42	1 420 706 951 006,58	
0140	3 331 592 955,99		390 509 164,45	253 909 585,10	3 468 192 535,34	
0150	4 388 300 222,03		647 049 066,50	187 912 859,40	4 847 436 429,13	
0160	50 391 949 287,15		13 819 184 244,87	3 125 937 505,58	61 085 196 026,44	
0180	357 540 637,89		133 772 000,09	69 114 939,01	422 197 698,97	
0190	9 115 781 333,25		1 954 445 509,70	2 011 397 695,20	9 058 829 147,75	
0199			4 952 610 848,00	47 477,88	4 952 563 370,12	
ж а м и	**1 888 849 515 827,46**	**0**	**389 799 305 168,32**	**125 796 639 878,04**	**2 152 852 181 117,74**	**0**

*Рахбар*_____ *Аудитор*_____

Тақдим қилинган молиявий ҳисоботлар билан жамият бухгалтериясида юритилган айланма баланс маълумотлари ўртасида фарқ аниқланмади. Жамият томонидан тақдим қилинган бухгалтерия балансининг 010-сатрида 2022 йил охирига асосий воситаларининг бошланғич қиймати (яхлитланган ҳолда) 2 152 852 181,00 минг сўм акс эттирилган.

Асосий воситалар учун эскириш Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида белгиланган меъёрлар асосида ҳисобланган бўлиб, 2022 йил давомида асосий воситаларнинг эскириш ҳисоб-варағи айланмаси қўйидагича бўлган.

сўмда.

Счёт лар	01.01.2022 йил бошига қолдиқ		Йиллик айланма		31.12.2022 йил охирига қолдиқ	
	Дт	Кредит	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
0220		244 769 603 586,59	19 189 563 216,52	57 272 370 520,06		282 852 410 890,13
0230		867 920 018 031,47	47 110 157 332,18	211 853 242 842,01		1 032 663 103 541,30
0240		2 760 084 742,58	222 887 674,41	528 127 678,93		3 065 324 747,10
0250		2 763 207 639,42	177 066 427,54	666 263 014,45		3 252 404 226,33
0260		32 324 305 635,70	2 867 364 561,55	7 130 501 917,65		36 587 442 991,80
0280		169 993 580,63	25 929 813,87	61 984 040,38		206 047 807,14
0290		7 531 017 865,08	1 783 590 631,06	2 485 303 713,39		8 232 730 947,41
0299	0		47 477,88	4 440 432 739,46	0	4 440 385 261,58
жами	0	1 158 238 231 081,47	71 376 607 135,01	284 438 226 466,33	0	1 371 299 850 412,79

Тақдим қилинган молиявий ҳисоботлар билан жамият бухгалтериясида юритилган айланма баланс маълумотлари ўртасида асосий воситаларининг эскириш ҳисоб варағида акс эттирилган суммалар ўртасида фарқ аниқланмади. Жамият томонидан тақдим қилинган бухгалтерия балансининг 011-сатрида 2022 йил охирига асосий воситаларининг жамланган эскириши (яхлитланган ҳолда) 1 371 299 850,00 минг сўм акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси 5-сонли БҲМСнинг 1-бўлим 4-бандида асосий воситалар таркибига олиш мезонлари кўрсатилган бўлиб, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси (харид пайтида) белгиланган энг кам ойлик иш ҳаки миқдорининг эллик бараваридан ортиқ бўлган, фойдали хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган (ҳар икки мезонга бир вақтда жавоб бериши лозим) активлар асосий воситлар сифатида тан олиниши белгилаб қўйилган.

Жамият томонидан "Ҳисоб сиёсати" талабларига мос келмайдиган активларни асосий воситалар таркибидан "Фойдаланишдаги хўжалик инвентарлари ва жиҳозлар" сифатида тан олиш, ҳамда балансдан ташқари 014 сонли счётда (моддий жавобгар шахслар бўйича) аналитик ҳисобини юритиш тавсия қилинади.

Жамиятдаги Асосий воситалар ҳар йили 1 январь ҳолатига қайта баҳоланиб, уларнинг қайта баҳоланган суммалари к-т «8510» ҳисоб варақларда йиғиб

келинган. Асосий воситалар ҳисобдан чиқарилаётганда уларнинг қайта баҳоланган суммаси ҳам ҳисобдан чиқарилмокда.

5-сон БҲМС нинг «Асосий воситаларни қайта баҳолаш» бўлимининг 24 бандида асосий воситаларни қайта баҳолаш- асосий воситалар объектларининг тиклаш қийматини ҳозирги бозор нархлари даражасига мослаштиришдир, деб айтилган. Шунинг учун, жамиятдаги асосий воситаларнинг хисбларини юритишда стандарт талабларига ҳам эътибор қаратишни тавсия қиламиз.

5-сон БҲМСнинг 21-бандида Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган қиймати Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида ва мазкур стандартда белгиланган ҳолатлардан ташқари ҳолларда ўзгартирилмаслиги ёзиб қўйилган. Шунинг учун жамиятдаги асосий воситаларнинг ҳисобларини юритишда стандарт талабларига ҳам эътибор қаратишни тавсия қиламиз.

Акс холда, мол-мулк солиғини нотўғри ҳисобланишига ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини нотўғри шаклланишига сабаб бўлиб, фойда, солиғининг нотўғри ҳисобланишига ҳамда жамият томонидан йил якуни бўйича тузиладиган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларни нотўғри ҳисоблашга олиб келади.

Номоддий активлар бўйича

Жамият тмонидан Давлат солиқ органларига тақдим қилинган бухгалтерия балансида номоддий активлар ҳисоб варағида 01.01.2022 йил ҳолатига (бухгалтерия балансининг 020 сатри) 6 136 572 минг сўм, жамғарилган эскириши 434 345 минг сўм қолдиқ қиймати 5 702 227 минг сўмни ташкил қилиши акс эттирилган. 31.12.2022 йил холатига мос равишда баланснинг 020 сатрида 4 311 099,00 минг сўм қолдиқ акс эттирилган. Номоддий активларнинг жамғарилган жами эскириши миқдори 518 490,00 минг сўм бўлиб, жорий йилнинг охирига қолдиқ қиймати 3 792 609,00 минг сўмни ташкил этган.

Номоддий активлар ҳисоб варағида программа, патент, лицензия ва ноу-хау, франчайиз, гудвилл ва бошка номодий активлар ҳисоби юритилган.

Жамият томонидан тақдим қилинган айланма баланс маълумотлари бўйича номоддий активларнинг бошланғич қийматининг ҳаракати қўйидагича бўлган.

сўмда.

Счётлар	01.01.2022 йил бошига қолдиқ		Йиллик айланма		31.12.2022 йил охирига қолдиқ	
	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
0410	146 278 031,72		1 620 000,00		147 898 031,72	
0420	31 664 127,25				31 664 127,25	
0430	437 351 247,43				437 351 247,43	
0480	5 481 278 125,72			1 827 092 700,00	3 654 185 425,72	
0490	40 000 000,00				40 000 000,00	

ж а м и	**6 136 571 532,12**	**0,00**	**1 620 000,00**	**1 827 092 700,00**	**4 311 098 832,12**	**0,00**

Жамият балансида мавжуд номоддий активларга амалдаги тартиб коидалар асосида эскириш ҳисобланган бўлиб, 0500-ҳисоб-варағининг 2022 йил йиллик айланмаси қўйидагича бўлган.

сўмда.

Счётлар	01.01.2022 йил бошига қолдиқ		Йиллик айланма		31.12.2022 йил охирига қолдиқ	
	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
0510		52 822 685,51		25 602 250,27		78 424 935,78
0520		7 859 191,78		3 166 412,76		11 025 604,54
0530		373 662 847,60		55 376 399,83		429 039 247,43
ж а м и	**0**	**434 344 724,89**	**0,00**	**84 145 062,86**	**0,00**	**518 489 787,75**

Узоқ муддатли инвестициялар бўйича

Узоқ муддатли инвестициялар ҳисобида 01 январь 2022 йил ҳолатига 82 694 740,00 минг сўм, 31 декабрь 2022 йил ҳолатига 51 080 880,00 минг сўм қолдиқ кўрсатилган.

Бундан:

Қимматли қогозлар

Жамиятнинг 01.01.2023 йил ҳолатига тузилган балансида жамият ихтиёрида бошка эмитентларнинг 5 344 710 712,0 минг сўмлик қимматли қоғозлари мавжудлиги кўрсатилган.

Жамият бухгалтериясидан тақдим қилинган маълумотга кўра:

СП «Электрохимзавод» 414 дона х 4 600 = 1 904,4 минг сўм
АО «Ўзсаноатэкспорт» 440 000 дона х 1 021 = 449 240,0 минг сўм
АТБ «Микрокредитбанк» 68 473 дона х 1 068 = 73 129,1 минг сўм
АО «Марғилон ш. деҳқон бозори» 1 400 000 дона х 1 050 =1 470 000,0 м.сўм
АКБ «Узпромстройбанк» 1 049 299 дона х 3 252 = 3 412 320,3 минг сўм
АКБ « Узпромстройбанк» 2 400 дона х 3 382 =8 116,8 минг сўм
Бирламчи ҳужжатлар ўртасида фарқ аниқланмади.

Шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар

Шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоб счёт бўйича йил бошига ва йил охирига 80 608,00 минг сўм қолдиқ мавжуд бўлиб, бу "Ўзкимёимпекс"нинг устав фондига киритилган улушдир.

Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар

Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоб счёт бўйича 2022 йил бошига ва йил охирига 9 705 735,00 минг сўм қолдиқ мавжуд бўлиб, бу

жамиятнинг "Кимёгар" Ёшлар маданиятининг Устав фондига киритилган улушдир.

Бошқа узоқ муддатли инвестициялар

Бошқа узоқ муддатли инвестициялар ҳисоб счёти бўйича 2022 йил бошига 31 130 385,00 минг сўм мавжуд бўлган. Мазкур қолдиқ сумма «Кимёсавдотаъминот» ва «Қурилиш дирекциясининг РХТУ филиали» нинг Устав фондига киритилган улушлардан иборат бўлган.
2022 йил давомида жамият томонидан 4 819 441,00 минг сўм инвестициялар йўналтирилган бўлиб, 2022 йил 31 декабрь ҳолатига 0690-ҳисоб-варағида қолдиғи 35 949 826,00 минг сўмни ташкил этган.

Юқорида айтиб ўтилган барча инвестицияларнинг ҳисобларини юритиш бўйича тавсиялар берилди.

Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар бўйича

Жамият балансда ўрнатиладиган асбоб-ускуналар қолдиги 01.01.2022 йил ҳолатига 8 964 803,65 минг сўм, 31.12.2022 йил ҳолатига 20 140 847,98 минг сўм акс этирилган.

Тақдим қилинган бирламчи ҳужжатлар бўйича фарқ аниқланмади.

Капитал қўйилмалар бўйича

Капитал қўйилмалар ҳисобида 01.01.2022 йил холатига 14 702 625,41 минг сўм 31.12.2022 йил холатига 12 545 549,45 минг сўм қолдиқ мавжуд бўлиб, бундан;

-«Тугалланмаган қурилиш» суб счётида 31.12.2022 йил ҳолатига қолдиқ 12 267 793,48 минг сўмни;

-"Асосий воситаларни сотиб олиш" суб счётида 31.12.2022 йил ҳолатига қолдиқ 26 836,67 минг сўмни ташкил этган.

Амалдаги СКнинг 411 моддаси (солиқ базаси), 415 модда (солиқ ставка) солиқ солиш базаси акс эттирилган. Қурилиши тугалланмаган объектларга қурилиш объектига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда қурилиши тугалланмаган объектлар, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, ушбу объектнинг қурилишига ваколатли бўлган органнинг рухсатномаси олинган ойдан эътиборан йигирма тўрт ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар киради.

Юқоридагиларга асосан тугалланмаган қурилиш ҳисобварағида акс эттирилган қолдиқ суммаларга алоҳида эътибор қаратилиш тавсия этилади.

Жамиянинг товар-модий захираалари бўйича

«Товар-моддий захиралар» бухгалтерия ҳисобини юритилиши аудити, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, «Солиқ кодекси», «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, «Товар-моддий захираалар» 4-сонли бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда ўтказилди.

Жамиятда товар моддий захиралар ҳисоби бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонун ва 4-сонли стандарт талаблари асосида юритилмокда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган «Инвентаризацияни ташкил этиш» 19-сонли БҲМС талаблари асосида ТМЗлар инвентаризация ўтказилган.

Материаллар ҳисобда 01 январь 2022 йил ҳолатига 336 798 863,15 минг сўм, 31 декабрь 2022 йил холатига эса 312 210 251,09 минг сўм қолдиқ кўрсатилган.

Жамиятнинг ҳисобхонасида «Материаллар» ҳисобини юритиш учун қуйидаги ҳисоб варақлар очилган.

1010-Хом-ашё ва материаллар.

Бу ҳисоб вароғда сотиб олинган хом-ашё ва материаллар ҳисоби юритилган. 2022 йил 01 январ ҳолатига мазкур суб ҳисоб варақа қолдиғи 104 880 156,56 минг сўм ташкил этиб, йил давомида мазкур ҳисоб варақага жами 655 768 889,83 минг сўмлик материаллар кирим қилинган бўлиб, 645 666 715,85 минг сўмлик материаллар чиқим қилинган. 31 декабрь 2022 йил кун охирига мазкур ҳисоб варақа қолдиғи 114 982 330,55 минг сўм ташкил этган.

1030-Ёқилғилар ҳисоб вараги. Бу ҳисоб вароғда сотиб олинган нефть маҳсулотлари, газсимон ёқилғи ва ёқилғи- мойлаш материаллари ҳисоби юритилган.

2022 йил 01 январ ҳолатига 1 984 685,59 минг ёқилғи мойлаш материаллар қолдиғи мавжуд бўлган. 24 475 133,62 минг сўмлик ёқилғи мойлаш материаллари кирим қилинган бўлиб, 23 910 950,16 минг сўмлик ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари чиқим қилинган. 31 декабрь 2022 йил кун охирига 2 548 869,05 минг сўмлик ёқилғи-мойлаш маҳсулотлар қолдиғи акс эттирилган.

1040-Эҳтиёт қисмлар ҳисоби.

Бу ҳисоб вароғда жамият томонидан сотиб олинган эҳтиёт кисмлар ҳисоби юритилган бўлиб, 2022 йил 01 январ ҳолатига 88 285 380,33 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар акс эттирилган бўлиб, йил давомида жами 128 680 960,82 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар сотиб олинган ва 151 000 273,92 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар чиқим қилинган. Йил охирига қолдиқ 65 966 067,24 минг сўмни ташкил этган.

1050- Қурилиш материаллари ҳисоб вараги.

Мазкур ҳисоб варағида жамият томонидан қурилиш материаллари ҳисоби юритилган бўлиб, 2022 йил 01 январь ҳолатига 2 422 140,01 минг сўм бўлган. 2022 йил давомида жами 15 829 927,88 минг сўмлик қурилиш материаллари кирим қилинган бўлиб, 14 553 119,56 минг сўмлик қурилиш материаллари чиқим қилинган. 31 декабрь 2021 йил ҳолатига 3 698 948,33 минг сўмлик қурилиш материаллар қолдиғи айланма балансда акс эттирилган.

1060-Идиш ва идишбоп материаллар.

Бу ҳисоб варағда идиш материаллари ҳисоби юритилган бўлиб, 2022 йил 01 январь ҳолатига 4 892 892,38 минг сўм қолдиқ мавжуд бўлган. 2022 йил давомида 4 379 745,56 минг сўмлик идиш ва идишбоп материаллар кирим қилинган ва 6 421 216,48 минг сўмлик идишлар чиқим қилинган. 2022 йил 31 декабрь кун охирига мазкур ҳисоб рақам қолдиғи 2 851 421,47 минг сўмни ташкил этган.

1070-Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар

Бу ҳисоб варағида четга қайта ишлаш учун берилган материаллар ҳисоби юритилган бўлиб, 2022 йил 01 январь ҳолатига 71 668 309,23 минг сўмлик материаллар бошқа ХЮСга қайта ишлатиш учун берилган. 2022 йил давомида жами 180 091 728,90 минг сўмлик материаллар бошқа ХЮСга қайта ишлаш учун даваль хом-ашё сифатида берилган бўлиб, 218 149 747,13 минг сўмлик қайта ишлаш учун берилган материаллар маҳсулотлар таннархига олиб берилган ва бошқа материллар ҳисоб варағига кирим қилинган. 2022 йил 31 декабрь ҳолатига қайта ишлаш учун берилган материллар қолдиғи 33 610 291,00 минг сўмни ташкил қилган.

1080-Инвентар ва хўжалик жиҳозлари:

Бу ҳисоб варағида инвентарь ва хўжалик жиҳозлари ҳисоби юритилган бўлиб, 2022 йил бошига жамият омборидаги хўжалик жиҳозлари ва инвентарларнеинг умумий қиймати 5 634 875,41 минг сўмни ташкил этган. 2022 йил давомида жами 12 564 986,68 минг сўмлик инвентарлар кирим қилинган бўлиб, 13 558 015,54 минг сўмлик инвентарь ва хўжалик жиҳозлари чиқим қилинган. 2022 йил 31 декабрь ҳолатига мазкур ҳисоб варақ қолдиғи 4 641 846,56 минг сўмни ташкил этган.

1090-Бошка материаллар.

Бу ҳисоб варағида бошка материаллар ҳисоби юритилган. Йил бошига қолдиқ 675 736,34 минг сўм ташкил этган ҳолда, йил давомида жами 3 996 265,54 минг сўмлик материаллар кирим қилинган ва 4 028 765,82 минг сўмлик товарлар чиқим қилинган. 2022 йил 31 декабрь ҳолатига ушбу ҳисобварағхи қолдиғи 643 236,05 минг сўмни ташкил этган.

Тавсиялар: Жамиятда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган «Инвентаризацияни ташкил этиш» 19-сонли БҲМС талаблари асосида «Товар-моддий заҳиралар»ни инвентаризациядан ўтказиш ва

ҳаракатсиз турган ноликвид товар моддий бойликлари камайтириш чораларин кўриш.

Келгуси давр харажатлари бўйича

Келгуси давр харажатлари ҳисоб варағида 2022 йил бошига қолдиқ 2 341 924,69 минг сўм йил охирига 4 709 569,89 минг сўмни ташкил қилган. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» Қонуннинг 14-моддасига асосан даромад ва харажатлар қайси даврга тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида акс эттирилиши кераклиги айтиб ўтилди.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар бўйича

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.2005 йилдаги ПФ-1154 ва 19.07.1999 йилдаги ПФ-2340 Фармонларига кўра «Товарлар етказиб берилган, хизматлар кўрсатилган, ишлар бажарилган кундан бошлаб тўқсон кун ўтганидан кейин етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ҳамда кўрсатилган хизматлар учун маблағлар келиб тушмаганлиги муддати ўтган дебиторлик қарзи» деб ҳисобланади. Жамиятда муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари мавжуд. Жамиятда мавжуд муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ўндириш (ҳисобдан чиқариш) чораларини кўриш таклиф қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 19.07.1999 йилдаги 347-сонли фармонига асосан хўжалик юритувчи субъектлар тўлов муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ҳар чоракда ўзаро солиштириб чиқишга мажбурдирлар.

Қарзларни ўз вақтида ва тўлиқ солиштириб чиқиш юзасидан шахсан жавобгарлик хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари зиммасига юклатилади;

Шунинг учун барча корхоналар билан ўзаро солиштирма далолатномалар тузиб борилса, максадга мувофиқ бўлади. Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларни ундириш юзасидан чора тадбирлар кўрмаганлик, шу жумладан хўжалик судида даъво қўзғатмаганлик маҳсулот етказиб берувчи корхоналарнинг раҳбарларини ва мансабдор шахсларини қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Жамиятнинг 4000 ҳисоб варақида акс эттирилган қолдиклар қўйидагича бўлган. 2022 йил 01 январь ҳолатига 151 464 162,83 минг сўмни ташкил этиб, 2022 йил давомида жами 1 679 968 249,57 минг сўмлик маҳсулотлар ҳаридорларга етказиб берилган. Етказиб берилган маҳсулотлар бўйича харидорлардан 1 759 850 408,14 минг сўм маблағ ҳисобга олинган. 2022 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқ 71 582 004,26 минг сўмни ташкил этган.

Касса операциялари ҳисоби бўйича

Касса операциялари аудити, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, «Солиқ кодекси», «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни ва №21-БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби варақалари режаси»га асосланган ҳолда ўтказилди.

Касса операцияларига биринчи имзо қуйиш ҳуқуқи жамият раҳбарига берилган, иккинчи имзо қуйиш ҳуқуқи эса бош ҳисобчи берилган.

Жамиятнинг миллий валютадаги 5010 ҳисоб варағида ва 5020 валюта ҳисоб варағида жорий йилда кирим-чиқим операциялари амалга оширилган.

Жамиятда касса операциялари бўйича барча ҳужжатлар белгиланган тартибда расмийлаштирилган.

Жамият кассасида 2022 йилда (текшириш даврида) тўсатдан инвентаризация қилиш бўйича топшириқ бўлмаган ва инвентаризация ўтказилмаган.

Жамиятнинг кассасига 2022 йил давомида 4 249 963 050,00 сўм нақд пул маблағи кирим қилинган бўлиб, 4 246 025 400,00 сўм маблағи чиқим қилинган, йил охирига 3 937 650,00 сўм касса қолдиғи мавжуд. Шунингдек, жамият кассасига 358 830 726,90 сўм эквивалент миқдорида валюта қийматликлари кирим-чиқим қилинган.

«Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар» бўйича.

Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб китоблар аудити Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик кодекси», «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, «Солиқ кодекси», «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 21-сонли бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги 424-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси худудидаги хизмат сафарлари тўғрисида"ги низом ва чет давлатларга хизмат сафарига борган ходимларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигини 19.10.2015 йилдаги 92-сонли қарори, Адлия вазирлигида 19.11.2015 йилда 2730-сон билан руйхатга олинган меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда ҳисоботлар тузилган.

Жамиятда 2022 йил давомида ҳисобдор шахсларга хизмат сафари харажатлари учун жами 311 853,60 минг сўм маблағлар чиқим қилинган бўлиб, 311 853,60 минг сўмлик харажатларни тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар ҳисобдор шахслар томонидан жамият ҳисобхонасига тақдим этилган.

Шунингдек, жамият томонидан умумхўжалик фаолиятида зарур бўладиган кечиктирилмайдиган харажатлар учун ҳисобдор шахсларга жами 408 739,11 минг сўмлик маблағлар чиқим қилинган бўлиб, ҳисобдор шахслар томонидан сарф

этилган 408 739,11 минг сўмлик харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар жамият ҳисобхонасига тақдим этилган.

Аудиторлик текшируви давомида чет давлатларга хизмат сафарига борган ходимларнинг танлов йўли билан ҳисоботларини текширганимизда текширган ҳисоботларда (руйхати илова килинади) камчиликлар аниқланмади.

Жамиятда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 02 августда 424-сон Қарорга илова қилинган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарлари тўғрисидаги НИЗОМ»да белгилаган тартибда қатъий амал қилинган ҳолда ҳисоботлар юритиш тавсия қилинади.

«Иш ҳақи ҳисоби» бўйича .

Жамиятда иш ҳақи тасдиқланган штатлар жадвалига ва иш вақтини ҳисобга олиш табелларига асосан тўланмоқда.

Ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб китобларни бўлим ҳисобчилар томонидан амалга оширилган.

Жамият ҳисобхонасида иш ҳақи ҳисобланиши компьютерда программалаштирилган "1 С" програмаси асосида ҳисобланган.

Жамиятнинг 2022 йил 1 январь ҳолатига иш ҳақидан қарздорлик баланс ҳисоботида 13 230 326,58 минг сўм 31 декабрь холатига 13 749 737,81 минг сўмни ташкил этади.

Жамият томонидан 2022 йил давомида ишчи-хизматчиларга жами 360 475 540,86 минг сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобланган.

Ҳисобланган мазкур тўловлардан жами амалдаги солиқ ставкалари бўйича 41 573 782,70 минг сўм иш ҳақидан даромад солиғи ҳисобланган. 2022 йил давомида ишчи-хизматчиларга жами 318 387 329,89 минг сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар тарқатилган ва бошқа мақсадлар учун ўтказиб берилган. Шунингдек, 2022 йил давомида 4 982,96 минг сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар олинмаганлиги сабабли депонент ҳисоб варағига олиб ўтилган.

Жамиятнинг 2022 йилдаги молиявий натижалари қўйидагича:

минг сўмда

Сатр коди	Курсаткичлар номи	Ҳисоботда
10	Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан соф тушум	1 819 250 762
20	Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархи	(965 563 192)

30	Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси	853 687 570
40	Давр харажатлари (жами)	(557 058 405)
90	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	23 029 148
100	Асосий фаолиятнинг фойдаси	319 658 313
110	Молиявий фаолиятнинг даромадлари	37 082 451
170	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	(55 930 272)
240	Даромад (фойда) солиғи тўлангунга қадар фойда (зарар)	300 810 492
250	Фойда солиғи	(66 985 498)
260	Фойдадан бошқа солиқлар	
270	Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	292 598 795

Жамиятнинг бухгалтерия баланси 2022 йил 31-декабр холатига қўйидагича:

минг сўмда

Сатр коди	Курсаткичлар номи	Ҳисоботда
	Активлар:	
130	Узоқ муддатли активлари	979 679 675
390	Жорий активлари	760 157 529
140	Товар моддий заҳиралари	459 733 998
190	Келгуси давр харажатлари	4 709 570
200	Кечиктирилган харажатлар	0
210	Дебиторлар	272 169 249
320	Пул маблағлари	9 833 575
370	Қисқа муддатли инвестициялар	0
380	Бошка жорий активлар	
	Жами:	**1 739 837 204**
	Пассивлар:	
I	Ўз маблағлари манбалари	1 412 017 520
II	Узоқ муддатли мажбуриятлари	
	Жорий мажбуриятлари	327 819 684
	Жами:	**1 739 837 204**

Солиқ қонунчилигига риоя қилиниши, солиқ ва мажбурий тўловларни ҳисобланиши ва бюджетга ўтказилиши.

Жамият томонидан солиқлар ва мажбурий ажратмалар, Ўзбекистон Республикаси «Солиқ кодекси» ва 2022 йил учун "Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги" Қонунда (30.12.2021 йилдаги ЎРҚ-742-сон) белгилаган талаблари асосида ҳисобланган. Жамият 2022 йилда умумбелгиланган солиқ тўлаш тизими бўйича ҳисобот тақдим қилиб келган.

Жамият томонидан 2022 йил фаолияти юзасидан тузилган ҳисоботлари, Давлат солиқ идораларига ҳисобланган солиқлар ва мажбурий ажратмалар юзасидан тузилган хисоб-китоблар, аниқлаштирилган солиқ ҳисоботлари ДСИга тақдим этиб борилган.

Фойда солиғи.

Жамият томонидан 2022 йил якуни бўйича Давлат солиқ органига тақдим қилинган фойда солиғи ҳисоботда жамиятнинг жами даромадлари 1 879 398 700,60 минг сўм акс эттирилган бўлиб, шу жумладан:

товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад- 1 819 250 762,15 минг сўм;

асосий воситаларнинг ва бошқа мол-мулкнин чиқиб кетишидан олинган даромад -9 657 658,09 минг сўм;

мол-мулкни мулк ижарасига (ижарага) беришдан олинган даромад- 700 234,94 минг сўм;

текин олинган мол-мулк (хизматлар), молиявий ёрдамлар -36 338,92 минг сўм;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромад -196 329,16;

дивидендлар тарзидаги даромадлар-121 188,24 минг сўм;

фоизлар тарзидаги даромадлар -1 881 953,19 минг сўм;

валюта курси фарқидан даромадлар -35 079 310,08 минг сўм;

бошқа даромадлар 12 474 925,80 минг сўмни ташкил этган.

Жамият томонидан тақдим қилинган фойда солиғи ҳисоботида жамият томонидан 2022 йил давомида жами 1 578 551 869,05 минг сўмлик харажатлар амалга оширилганлиги қайд этилган. Тақдим қилинган фойда солиғи ҳисоботида жамият томонидан 2022 йил давомида қилинган 145 844 341,70 минг сўмлик харажатлар амалдаги Солиқ кодексига мувофиқ чегирилмайдиган харажатлар таркибига кирганлиги сабабли, харажатлар таркибидан чегирилган. Харажатлар таркиби бўйича фарқ суммаси аниқланмади. Танлов усулида кўрилганда бирламчи ҳужжатлар билан мослиги аниқланди.

Солиқ солинадиган фойда 446 569 985,00 минг сўм (1 879 398 700,60- 1 578 551 869,05+145 844 341,70) солиқ солинадиган фойда миқдори

446 569 985,00 минг сўм амалдаги 15% солиқ ставкаси бўйича бюджетга 66 985 497,75 минг сўм фойда солиғи ҳисобланган.

Амалдаги СК 88-моддасида агар ушбу Кодексда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати, натижаларига кўра солиқ мажбурияти аниқланадиган солиқ даври тугаганидан кейин беш йилни ташкил этади. Агар солиқ мажбуриятининг юзага келиши муайян воқеа ёки ҳаракат билан боғлиқ бўлса, агар ушбу Кодексда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати шу воқеа ёки ҳаракат содир бўлган пайтдан эътиборан беш йилни ташкил этади.

Солиқ Кодекс 248-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган ҳолларда ва тартибда солиқ базасига товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда тузатиш киритиш натижасида олинган даромадларга аниқлик киритиш тавсия этилади.

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС).

Жамият 2022 йил якуни бўйича ДСИга тақдим этган ҳисоботида жамиятнинг йиллик айланмаси 1 924 955 520,51 минг сўм бўлиб, амалдаги 15% ҚҚС ставкаси тортиладиган база 1 454 194 659,74 минг сўм, ҚҚСдан озод қилинган айланма миқдори 60 303 284,59 минг сўм йил давомида экспортга йўналтирилган айланмалар 410 457 576,17 минг сўм, ҳисобот даврида сотиб олинган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) суммасини 124 261 268,55 минг сўм бўлиб, мутаносиб усулда ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаси 93 879 388,39 минг сўмни ташкил этган. Бюджетга 124 249 810,60 минг сўм ҚҚС суммаси ҳисобланган.

Амалдаги солиы кодексининг 248 моддаси 4 хатбошиси ... Агар битимнинг нархи товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан паст ёки юқори бўлса, солиқ органлари солиқ базасига тузатиш киритишга ҳақли. Солиқ тўловчи бундай қарор юзасидан битимнинг нархи бозор нархларига мувофиқлигини ва солиқ тўлашдан бўйин товлашга қаратилмаганлигининг асосларини тақдим этиш йўли билан низолашишга ҳақли....эканлиги қайд этилган.

Жамият томонидан 2022 йилда 90 189 759,81 минг сўмлик асосий воситалар балансдан чиқарилган. СК юқоридаги моддаси бўйича ҳисобдан чиқарилган асосий воситаларни бозор қийматини аниқлаш ва бозор қиймати бўйича ҚҚС суммасини ҳисоблаш тавсия этилади.

Мол- мулк солиғи.

Жамият томонидан 2022 йил учун асосий воситаларни жойлашган ўрнидан келиб чиққан ҳолда ДСИ.ларига тақдим этган ҳисоботларида:

минг сўмда

Кўрсаткичлар	Фарғона шаҳар	Фарғона туман	Тошлоқ туман	Қувасой шаҳар
Солиқ базасининг умумий қиймати	827 393 375,81	3 352 251,15	602 306 612,11	8 871 512,07
Бино-иншоотлар бўйича ўртача йиллик қолдиқ қиймати	822 304 365,00	3 315 739,00	601 988 562,00	8 844 530,00
Солиқ базасини камайтириш	0,00	0,00	0,00	0,00
Солиқ базаси	822 304 365,00	3 315 739,00	601 988 562,00	8 844 530,00
Солиқ ставкаси, % да				
Солиқ суммаси	12 334 565,48	44 139,52	8 884 817,08	125 516,31
Темир йўллар, магистрал қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек мазкур объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати)	0,00	0,00	0,00	0,00
Консервация қилиниши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган кўчмас мулк ва тугалланмаган қурилиш объектларининг ўртача йиллик қолдиқ (ўртача йиллик) қиймати	0,00	0,00	0,00	0,00
Солиқ ставкаси, % да	0,00	0,00	0,00	0,00
Солиқ суммаси	0,00	0,00	0,00	0,00
Норматив муддатда тугалланмаган қурилиш объектининг ўртача йиллик қиймати	2 544 505,40	18 256,07	159 025,06	13 491,03
Солиқ ставкаси, % да				
Солиқ суммаси	76 335,16	547,68	4 770,75	404,73
Қурилиш ташкилотлари ёки иморатларни қурувчилар балансида кейинчалик сотиш учун кўрсатилган турар жой кўчмас мулк объектларининг (кўчмас мулк объекти фойдаланишга топширилгандан кейин олти ой ўтгач) ўртача йиллик қиймати	0,00	0,00	0,00	0,00
Солиқ ставкаси, % да	0,00	0,00	0,00	0,00
Солиқ суммаси	0,00	0,00	0,00	0,00
Бюджетга тўланадиган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг умумий суммаси	12 334 565,48	44 139,52	8 889 587,83	125 516,31
Солиқ даври учун жорий тўловлар бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг хисобланган суммаси	12 986 829,56	61 755,34	7 887 969,18	220 546,66
Қўшимча тўлашга	0,00	0,00	1 001 618,65	0,00
Камайтиришга	652 264,09	17 615,82	0,00	95 030,34

Жамият томонидан белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда мол-мулк солиғи ҳисобланган. Ўрганишда фарқ аниқланмади.

Ер солиғи.

Жамият 2022 йил учун ер майдонининг жойлашган ўрнидан келиб чиққан холда ДСИларига ер солиғи ҳисоботлари тақдим этиб борилган. Жамият томонидан 2022 йил давомида жами эгалигидаги 402,8651 гекатр ер майдони бўйича 15 784 685,45 минг сўмга ер солиғи ҳисоботи тақдим этилган.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Жамият 2022 йил якуни билан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ДСИларига тақдим этган ҳисоботлари текширилганда, белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда жамият томонидан жами 14 123 105,11 минг сўм сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоблаган.

Ижтимоий солиқ бўйича.

Жамият 2022 йил якуни бўйича Фарғона шаҳар ДСИ.га тақдим этган ҳисоботида меҳнатга хақ тўлаш тарзидаги даромадларни 340 087 758,33 минг сўм, ягона ижтимоий тўлов ҳисобланмайдиган тўловни 0,00 минг сўм, солиқ солинадиган базани 340 087 758,33 минг сўм кўрсатиб, белгиланган 12 фоизлик ставкада 40 810 531,00 минг сўм ягона ижтимоий тўлов ҳисобланган.

Шунингдек, ишчи-хизматчиларга ҳисобланган жами даромадлардан имтиёзларни инобатга олган ҳолда 41 573 716,73 минг сўм даромад солиғи ҳисобланган. Даромад солиғидан 346 451,03 минг сўм ШЖБПЖга ажратма ажратилган. Шунингдек, ишчи хизматчилар ўз ихтиёрлари билан 164 080,00 минг сўм ШЖБПЖга ажратмалар ўтказилган. Бюджетга 41 227 265,70 минг сўм даромад солиғи ўтказилиши қайд этилган.

III. Аудиторлик ҳисоботининг якуний қисми.

Жамиятда аудит текширишда аниқланган йул қўйилган камчиликларни бартараф қилиш мумкинлиги ва молиявий фаолиятга кўрсаткичларига сезиларли таъсир қилмаслигини инобатга олган ҳолда, Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар жамиятнинг 2022 йиллар 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, унинг 2022 йилдаги молиявий натижаларини ва пул оқимларини қонунчиликка мувофиқ, барча муҳим жиҳатлари бўйича ҳаққоний акс этади.

Жамиятнинг молиявий ҳисоботларини аудиторлик текшируви натижасидан тавсиялар берилди. Ушбу аудиторлик ҳисоботида кўрсатиб ўтилган хато ва камчиликлар,ҳамда тавсияларни жамият рахбарияти томонидан бартараф этилмай қолиши ёки бирор бир қисми бажарилмай қолиши учун аудиторлик ташкилоти жавобгар эмас.

Ушбу ҳисобот икки нусхада ёзилди.

МЧЖ «HIMOYA-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти рахбари: **Ш.Хатамов**

Аудитори: Ф.Муродов
(Аудитор малака сертификати 26.04.2019 йилда №05211)

Солиқ маслаҳатчиси: **Б.Нишонов**